Matlyuba QAHHOROVA,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,
doctor of philosophy, Associated professor at the chair of "Social-humanitar sciences". m.qaxxarova@iiau.uz;
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

Hamida TUYCHIEVA,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,
Head of Associated professor at the chair of "Social-humanitar sciences". x.tuychieva@iiau.uz;
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

ЖАМИЯТДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ МУҲИТ ВА УНИНГ АСОСИЙ ИНДИКАТОРЛАРИ

ДУХОВНО- НРАВСТВЕННАЯ СРЕДА И ЕЁ ОСНОВНЫЕ ИНДИКАТОРЫ

SPIRITUAL-MORAL ENVIRONMENT AND ITS BASIC INDICATORS

Калит сўзлар: *маънавий-ахлоқий муҳит, ижтимоий муҳит, маънавий идеал, маънавият, этика, ахлоқ, ахлоқий категория, парадигма, индикатор.*

Ключевые слова: *духовно-нравственная среда, социальная среда, духовный идеал, духовность, мораль, этика, моральная категория, парадигма, индикатор.*

Key words: *spiritual and moral environment, social environment, spiritual ideal, spirituality, morality, ethics, moral category, paradigm, indicator.*

XXI аср шу билан характерланадики, бугунги кунга келиб, инсониятнинг жами борлиғини белгилайдиган эпицентр иқтисодиётдан, сиёсатдан ўтиб маънавиятга бориб тақалди. Чунки айнан маънавият кишилар борлиғининг барча параметрларини белгилайдиган консенсусга айланди.

Жамиятда маънавий-ахлоқий муҳит муаммосининг ечимлари масаласи ниҳоятда долзарблигини белгилайдиган индикаторлардан бири ҳозирги замон глобал этикаси ва миллий, маънавий-ахлоқий қадриятлар, уларнинг ривожланиши ва такомиллашишини жаҳон чорраҳасида таҳлил қилиниши Ўзбекистонда ахлоқий, маънавий муносабатларни ёритишга нисбатан янгича ёндашувдир.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги кунга қадар илмий адабиётларда ижтимоий муҳит тушунчаси кенг ўрганилган ва унинг таркибий қисмлари: сиёсий, маданий, ахлоқий, адабий, географик, сунъий муҳитларга бўлиниб тадқиқ этилган. Ижтимоий муҳит инсонлар кўраётган ва инсонлараро муносабатни акс эттирган ҳамда жамиятдаги ижтимоий, иқти-

Мақолада ижтимоий-тарихий ҳодиса сифатида жамият маънавий-ахлоқий муҳитининг ижтимоий-ахлоқий масалалари тадқиқ этилиб, унинг фуқаролик жамияти давридаги хусусиятлари, ривожланиш қонуниятлари ёритилган. Унинг ахлоқий асослари ва меъёрлари, шахс эҳтиёжларини қондириш воситалари, усуллари, маънавий идеалнинг аҳамияти ҳамда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштиришнинг объектив шарт-шароитлари, субъектив омилларига эътибор қаратилган.

Жамият маънавий-ахлоқий муҳитини ҳар томонлама такомиллаштириб боришда маънавий идеални жамият ахлоқий муҳитининг асосий негизи сифатида қабул қилиш, соғлом маънавий-ахлоқий муҳитнинг шаклланишида шахс имон ва эътиқоди масаласига фалсафий ёндашув илгари сурилган.

В статье рассматриваются проблемы духовно-нравственный среды общества как социально-исторического феномен, особенности его развития в условиях гражданского общества и закономерности его развития. Основное внимание уделяется этическим принципам и средствам, способам удовлетворения потребностей личности, важности морального идеала, а также объективным условиям и субъективным факторам духовной и моральной среды.

В целях всестороннего улучшения духовно-нравственного климата в обществе был сделан философский подход к вопросу о убеждениях и убеждениях индивида, с тем чтобы принять моральный идеал в качестве основы морального климата общества.

The article considers the problems of the spiritual and moral environment of society as a socio-historical phenomenon, the features of its development in a civil society and the laws of its development. The main attention is paid to ethical principles and means, ways to meet the needs of the individual, the importance of moral ideal, as well as objective conditions and subjective factors of the spiritual and moral environment.

In order to comprehensively improve the spiritual and moral climate in society, a philosophical approach to the question of the beliefs and beliefs of the individual was made in order to accept the moral ideal as the basis of the moral climate of society.

содий, сиёсий, маънавий муносабатларини қамраб олган макон сифатида иккита йўналишда – микро ва макро муҳит сифатида ўрганилган. Микромуҳит инсон ва унинг атрофидаги бўлаётган воқеа-ҳодисаларни назарда тутса, макромуҳит умуман жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, маънавий воқеликлари мавжудлигини назарда тутади. Демак, ижтимоий муҳит инсонни, ижтимоий гуруҳларни ўраб турган ва унинг онги ҳамда хулқига, фаолиятига таъсир этувчи ва бошқарувчи шарт-шароитлар ва муносабатлар мажмуидир.

Маънавий-ахлоқий муҳит эса, муайян жамият ижтимоий муҳитининг таркибий қисми сифатида жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий муҳитларга хос бўлган барча мураккаб ижтимоий воқеликларни ўзига хос холда акс эттиради. У маълум бир халқ, миллат, жамиятнинг тарихий тарққиёти давомида шаклланган, уларнинг дунёқараши, мақсад муддаоси, турмуш тарзи ва анъаналари, идеалларини белгилайдиган маънавий-ахлоқий қадриятлар, ахлоқий меъёрларнинг муштараклигидаги мавжудлик маконидир.

Жамият маънавий-ахлоқий муҳити муайян халқ, миллат турмуш тарзи, маънавий руҳий ҳолати, жамиятнинг турли табақалари субъектлари кайфиятларини, қарашларини, интилишларини маълум бир мақсадга йўналтирувчи омил сифатида кўринишлилиги билан ижтимоий муҳитдан фарқланади. Шу билан бирга, ҳозирги кунгача ижтимоий муҳит ўрганилганда микро, макро муҳитга бўлиб ўрганилган, ваҳоланки, маънавий-ахлоқий муҳитда микро ва макро муҳитдан ташқари боғловчи муҳит, мезо муҳит ҳам мавжуддир. Бунда нафақат муҳитларнинг ҳажми, ҳудудий сифатлари, балки муҳитлараро алоқадаги ахлоқ структураси ўзига хос рол ўйнайди. Албатта, ахлоқ структураси жамият маънавий-ахлоқий муҳитининг муҳим қисмини ташкил этади ва у биринчидан, жамият ахлоқий структурасининг ахлоқий психологик ва ахлоқий назарий даражаси сифатида кўринади. Иккинчидан, жамият ахлоқий структурасининг ахлоқий психологик ва ахлоқий назарий даражаларининг элементлари бир-бирлари билан узвий боғлиқлик холатида мавжуд бўлади. Булардан ташқари ахлоқий онг, ахлоқий муносабат, ахлоқий хатти-ҳаракатлар кесими ҳам ахлоқ структурасида муҳим аҳамиятга эга. Чунки айни вақтда ахлоқий хатти-харакатлар ва ахлоқий муносабатларнинг ўзи ҳам мураккаб структурага эга. Ҳамма масала ушбу структураларнинг уйғунлик, мавжудлик ҳолатларини маънавият билан боғлиқ холда тушунишда ва улардан фойдаланишдадир.

Ҳозирда маънавий-ахлоқий муҳит муаммоларини тадқиқ этиш ижтимоий ва ахлоқий муҳитга янгича, яъни маънавий-ахлоқий нуқтаи назардан қарашни тақозо қилмоқда. Этика йўналишида маънавий муҳит ва ахлоқий муҳитни биргаликда уларни ўзаро боғлаб ўрганиш жамият маънавий-ахлоқий муҳитини янада шаффофроқ акс эттиради ва амалий ахлоқ категориялари рўйхатига “жамиятнинг маънавий-ахлоқий муҳити”, “маънавий-ахлоқий ҳамкорлик”, “ижтимоий шериклик”,

“ҳамкорлик мажбурияти” “ҳаётсеварлик”, “ташаббускорлик” тушунчаларини киритиб, уларга ҳам фан фуқаролиги мақомини беришни назарда тутади.

Чунки жамият маънавий-ахлоқий муҳитида этиканинг оптимизм билан боғланган йўналишлардан ҳаёт мазмундорлигини ошириш, бахтли яшашга интилишнинг ахлоқий масалаларини хусусан шахс фаоллигини оширишнинг оптимистик ахлоқий масалалари таҳлили, уларнинг ҳозирги замон этикасида йўналиш мақомига эга бўлган мелиоризм, прогматизм шаклида намоён бўлиши кузатилмоқда.

Жамият маънавий-ахлоқий муҳитига доир муаммоларнинг ахлоққа дахлдор томонларини классификация қилар эканмиз, бевосита ижтимоий, сиёсий, маънавий, иқтисодий соҳада ахлоқий характерга эга бўлган муаммолар ва улар негизида ахлоқий муносабат ётганлигига гувоҳ бўламиз. Шу жумладан, бу муаммоларни бевосита жамият маънавий-ахлоқий муҳити билан манфаатлар нуқтаи назаридан боғлаш ўринли бўлиб, жамият маънавий-ахлоқий муҳитида доим ҳам манфаатлар ижобий йўналишга хизмат қилмаслиги ойдинлашади. Унинг салбий омиллари ҳам бўлганлиги боис, бевосита жамият маънавий-ахлоқий муҳитидаги муаммоларни фалсафанинг умумий алоқадорлик ва ўзаро таъсир тамойили, тараққиёт тамойили, сабаб ва оқибат, моҳият ва ҳодиса, абстрактликдан конкретликка тамойилларидан келиб чиққан ҳолда назарий асослаш ҳозирги кун талабидир.

Бизнингча, жамият маънавий-ахлоқий муҳити муаммоларига қуйидагилар киради: сиёсий характерга эга бўлган гегемончилик, диний мутаассиблик, диний жамиятни орзу қилишдаги “кўринмас ниқоблар”, миллатчилик, шовинизм, радикализм, терроризм, сепаратизм, мафкуравий хуружлар билан боғлиқ бўлган;

– ижтимоий характерга эга бўлган мафкуравий хавф-хатарлар, миллий маданиятга беписандлик, ахлоқий вестиринизациянинг салбий оқибатлари, космополитизм, ижтимоий фаолсизлик, лоқайдлик, шафқатсиз индивидуализм тарғиботи, гедонизм, ҳуқуқий саводсизлик, одамовилик, ҳаёт мазмуни ва яшашдан мақсад омилларининг сустлашуви, жиноятчилик, манқуртлик билан боғлиқ бўлган;

– иқтисодий характерга эга бўлган иқтисодиётни бир ёқлама тушуниш, тирикчилик ниқоби остидаги талваса, консерватившлик, иқтисодий риёкорлик, рисоладаги [Қуронов, 2019] “халол ризқ” ва “ҳаром луқма” илинжидаги “ноинсоф” тадбиркор, ҳунарманд, фермер, ишлаб чиқарувчилар;

– маънавий характерга эга бўлган глобализациянинг салбий таъсири натижасида кириб келаётган иллатлар, маънавий таҳдидлар, маънавий тажовузкорлик, ахлоқсизлик, имон-эътиқодсизлик, лоқайдлик, гиёҳвандлик, ахлоқий бузуқлик, ғарбона ҳаётга кўр-кўрона тақлид қилиш “оммавий маданият” кабиларни санаш мумкин.

Жамиятда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитнинг шаклланишида шахс имон ва эътиқоди масаласига фалсафий ёндашув муҳим ўрин тутади. Зеро, шахснинг ички олами – “мени” ташқи бир бутун олам билан бирлашувида имон ва эътиқод гўёки бирлаштирувчи омил ролини ўйнайди. Бинобарин, унинг ахлоқий қарашлари ва амаллари шу дунёқарашга мувофиқ йўналиш олади.

Муайян дунёқараш асосида инсон онги ва аҳволи руҳияти (психологияси)да вужудга келадиган нодир ҳодиса – имон туфайли одам жамият қонун-қоидаларига, тартиб-интизомлари, тарихан шаклланган одоб-ахлоқ нормаларига қаттиқ риоя қилиб яшаш иродасига эга бўлади. Ҳар куни фойдали бир амал, савобли иш қилиш, жамиятдаги ҳуқуқ меъёрларини дунёвий талқин этиш, уларни бузмасликка интилиш каби хатти-ҳаракатлар ҳам имондан бўлиб, мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашда ҳар икки дунёқараш ҳақлигига ишониб, унга эътиқод (ихлос) [Каримов, 2010] қилган шахсларни тарбиялашни тақозо этмоқда. Чунки жамият маънавий ҳаёти айнан шу икки асос, икки таянч нуқтанинг устида мустаҳкам туриши лозим. Жамият муҳитида мазкур асослардан бирортаси бўшашгудек бўлса, юқорида санаб ўтилган деструктив кучларнинг домига тушиш имконияти ортиб боради. Тарих ва ҳаёт тажрибаси шундан далолат берадики, дунёвий ва диний қадриятлар ўртасидаги нозик муносабатларнинг моҳиятини ҳар томонлама тўғри тушунтириш, ахлоқий мувозанатнинг мазмун-моҳиятини, мақсадларини аниқлаштириш, дунёвий ва диний қадриятларнинг ўзаро уйғунлигига эришиш орқалигина бугунги куннинг оғир ва мураккаб саволларига тўлақонли жавоб топиш, жамият маънавий-ахлоқий муҳитининг барқарорлигига эришиш мумкин.

Фуқаролик жамияти маънавий-ахлоқий муҳитини тадқиқ қилиш парадигма[33]сида жамиятнинг маънавий-ахлоқий муҳити ижтимоий борлиқни

[33] Парадигма сўзи юнонча – намуна, ўрнак сўзларидан олинган бўлиб, илмий муаммоларни ҳал этиш намунаси сифатида қабул қилинган илмий назария. Парадигма маълум давр ичида илмий жамоатчиликка илмий муаммони қўйиш ва ҳал этиш намунаси бўлиб, хизмат қиладиган ва кўпчилик томонидан эътироф этилган илмий назарияни тушунилади. Парадигма илмий жамоатчилик бирлигини таъминлайди. У маълум бир фан соҳасининг асосий муаммосини ташкил этиб, дарсликлар ва олимларнинг мумтоз асарларида ўз ифодасини топади. Умумэътироф этилган парадигмаларнинг шаклланиши фан етуклиги белгисидир. Парадигмаларнинг ўзгариши фанда туб ўзгаришларни таъминлайди.

тўлдиради ва унинг барча қисмларида фаол иштирок этади. Жамият маънавий-ахлоқий муҳитини конструктив-рационал ташкиллаштиришнинг потенциал имкониятлари, истиқболдаги вазифаларини белгилаш соғломлаштиришга доир хорижий тажрибаларни умумлаштириб, Ўзбекистонда улардан ижодий фойдаланишга доир методологик тавсияларни ишлаб чиқиш ишларини тизимлаштириш эса жамият маънавий-ахлоқий муҳитини тадқиқ қилиш жараёнидаги "парадигма", "харакатлар стратегияси" ва унинг асосий беш устивор йўналиши нуқтаи назаридан ишлатиш мумкин.

Жамият маънавий-ахлоқий муҳитининг асослари ва меъёрлари, маънавий-ахлоқий вориликда тарихийлик ва замонавийликнинг ўзаро уйғунлиги, имон ва ахлоқ ўртасидаги диалектик алоқадорлик, жамиятнинг маънавий-ахлоқий муҳитида шахс фаолияти масалаларини ахлоқий категориялар призмасида тадқиқ этиш, «маънавий идеал» ва унинг жамият маънавий-ахлоқий муҳитига таъсирини аниқлаштириш имконини яратади. Айнан маънавий-ахлоқий муҳит ўзини ўзи шакллантирувчи жараён сифатида ахлоқий билимларнинг ролини янада кучайтиради. Масалан, ахлоқ ижтимоий онг шакли сифатида жуда кенг тушунча бўлса-да, уни юксак маънавиятли, баркамол шахсни тарбиялашда имондан айро холда ўрганиш жамият хоҳлаётган етукликка олиб келмайди. Чунки ахлоқ муайян жамиятга намуна бўла оладиган хатти-ҳаракатлар йиғиндиси ва унинг амалдаги кўриниши бўлса, биз аввало, мана шу жамиятга намуна бўла оладиган хатти-ҳаракатлар йиғиндисига ишона олишимиз, эътиқод даражасига кўтаришимиз керак. Ахлоқ – бу дунёқараш билан боғлиқ бўлган маълум бир нуқтаи назар. Албатта жамият маънавий-ахлоқий муҳитининг ахлоқий категориялари инсоний фазилат ва хислатлар уйғунлигини ўзида мужассамлаштирган, жамиятдаги ижтимоий тартиблар, ҳуқуқ, одоб нормаларини англаш, унга риоя қилиш, қадрлаш асосида такомиллаша борадиган умуминсоний фазилатнинг ҳам фикрий, ҳам амалий меъёрлари мажмуи бўлмиш ахлоқий қадриятларни ташкил этади ва уларнинг тарихан амалий аҳамиятга эга жиҳатларини бўрттириб кўрсатиш имкониятларини янада кучайтиради.

Ахлоқнинг моҳиятини англатадиган категориялар кетма-кетлиги, ахлоқий фаолият моҳиятини англатадиган категориялар моҳияти, ахлоқий муносабатлар моҳиятини англатадиган тушунчалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда уларнинг кетма-кет жойлашиши ҳамда ҳар бир категориянинг мазмунини ташкил қиладиган элементлар ва уларнинг формани шакллантирувчи хусусиятлари ўртасидаги боғланиш изчиллиги муҳимдир.

Ахлоқий танлов, ихтиёр эркинлиги, ирода каби ижтимоий ахлоқий масалалар ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини қурувчи ҳар бир фуқаронинг маънавий-ахлоқий тарбиясининг маҳсули ва даражаси билан боғлиқлиги ва унинг ахлоқийлик кўрсаткичи.

Этика категориялари бурч, адолат, виждон, имон, масъулият ва бошқалар ишнинг бир жойда сифат, иккинчи жойда эса фазилат вазифасини бажаради. Чунки ушбу категориялар жамият маънавий-ахлоқий муҳити ва унинг таркибий қисмларининг узвийлиги ва изчиллигини таъминлашда, функционал вазифаларни амалга ошириш ва ҳаётга татбиқ этишда жамият аъзоларининг ахлоқий фазилати ёки аксинча ахлоқий сифат ролини бажаради.

Масалан, ахлоқ категорияси адолатнинг ахлоқий жиҳати тўғрисида фикр юритишда, унинг айни вақтда ҳуқуқий, илоҳий, сиёсий, иқтисодий жиҳатлари ҳам мавжуд эканлигини инкор қилмайди. Адолат тенглик маъносида ҳам қўллансада, кишилараро муносабатларда ҳамма вақт тенгликни қўллаш тўғри бўлавермайди. Ҳуқуқий ва ахлоқий масалада тенгликни қўлласа бўлади. Моддий нарсаларни айрибошлашда, тарозида ўлчашда ҳам тенглик бўлиши мумкин. Аммо мол-мулк тўплашда, бойлик (мулк эгаси)да кишилар тенг бўлиши қийин. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида. Дарҳақиқат, биз адолатнинг ахлоқий жиҳатларига, маънавий-ахлоқий муҳитда тенглик масаласига алоҳида урғу беряпмиз ва унинг мавжуд барча жиҳатларини жамият маънавий-ахлоқий муҳити даражасини белгилаб берувчи ахлоқ контекстида ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этишни таклиф қиламиз.

Ваҳоланки, ахлоқнинг яхшилик, ёмонлик, виждон, адолат, бахт, ҳаёт мазмуни каби мезоний тушунчалари жамият маънавий-ахлоқий муҳитини ифодалашдагина хизмат қилади, холос. Ахлоқий қонуниятлар эса жамият тараққиётида ахлоқ ва ахлоқий муносабатлар ролининг ортиб бориши, ахлоқий муносабатларда ахлоқий идеалнинг белгиловчилиги, эзгуликнинг жамият ҳаётида уюштирувчанлик аҳамиятининг ортиб бориши каби ахлоқий қонуниятларнинг ҳамда ҳар бир алоҳида олинган жамиятнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ва умуминсоний ахлоқий нормаларнинг ахлоқий қонун сифатида трансформациясига асосланган қонуний жиҳатларини очиб беради. Масалан, виждонли бўлиш, адолатли бўлиш, бурчни англаш, ор-номусли бўлиш, бахтга интилиш, ҳаёт мазмунини англаш, яхшилик ва ёмонликни фарқлаш ҳамда маънавий-ахлоқий ҳамкорлик категориясининг инсонпарварлик, тенглик, ошкоралик тамойиллари асосида кўриш мумкин. Демак,

ахлоқнинг қонуният ва унинг функционаллиги ҳам жамият маънавий-аҳлоқий муҳитидан келиб чиққан ҳолда функционаллашувчи қонуният сифатида амал қилади.

Жамиятнинг маънавий-ахлоқий муҳити билан боғлиқ бўлган маънавий-ахлоқий идеаллар ижтимоий идеалнинг таркибий қисми. Маънавий-ахлоқий идеаллар нисбий мустақилликка эга бўлиши билан бирга улар биринчидан, ижтимоий характерга эга бўлган идеаллар, иккинчидан, улар ижтимоий идеалга таянадиган ва унга хизмат қиладиган идеаллар, учинчидан, улар ижтимоий идеалнинг бошқа шаклларига маънавий мазмун берадиган идеаллар ҳисобланади.

Маънавий идеалнинг асосий мезонлари аксарият ахлоқий йўналишда унда эркинлик, ошкоралик, тенглик, ахлоқий етуклик бўлиб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида демократиянинг мазмунан бойиб, халқимизнинг турмуш тарзига айланиб бораётганлигини назарда тутади. Демократик жамиятнинг муаммоларини ҳал қилишда замона қаҳрамонларига, фидойиларига эҳтиёж сезилади. Бунда шахснинг мавқеи ва унинг бажариши керак бўлган ролига нисбатан жамиятда шаклланган талаблар, қоидалар ва вазифаларга нисбатан унинг муносабати ва бу муносабатларда ахлоқийликнинг залвори, унинг аҳамияти инсон омилини белгилайдиган асосий кўрсаткичлар ҳисобланади [Отамуратов & Султонов, 2019].

Маънавий-ахлоқий муҳитнинг қарама-қаршиликлари қандай пайдо бўлади, қандай зиддиятлар бор? – мана шуларга эътибор қаратиш маънавий ахлоқий муҳитнинг имкониятлари бўлиб, бу имкониятлар қачон воқеликка айланади ёки маънавий ахлоқий-муҳитнинг шакл-мазмуни қандай бўлиши керак? – мана шу жиҳатларига фанлар ва соҳалар кесимида эътибор қаратиш орқали уни соғломлаштириш, самарадорлигини оширишда таълим тизими муҳити бирламчи бўғин хисобланади.

Таълим тизими маънавий-ахлоқий муҳитнинг Шарқ ва Ғарб моделларининг ўзаро боғлиқлиги асосларини ўрганиш ва уларни тизимлаштиришга ҳаракат қилиш мазкур тизимни илмий назарий модел сифатида шакллантириш ҳозирги кунда долзарб масалалардан биридир. Мазкур моделнинг асосини биринчидан, Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли ташкил этади; иккинчидан, миллий маънавий қадриятларни тиклаш ва такомиллаштириш тамойиллари уни шакллантиради; учинчидан, миллий ғоянинг мамлакат маънавий тараққиётидаги ўрни ва роли ушбу моделга харакат йўналишини беради; тўртинчидан, халқимизнинг маънавий-ахлоқий қадриятларга нисбатан эҳтиёжининг ошиб бориши унга нисбатан мавжуд ижтимоий эътиборни оширади; бешинчидан, миллий маънавий қадриятимизга жаҳон халқларининг манфаатдор қизиқишларининг ортиб бораётганлиги мазкур моделнинг халқаро миқёсда ижтимоийлашувини таъминлайди. Шунингдек, маънавий-ахлоқий муҳитни такомиллаштиришнинг тарбиялаш, коррекциялаш, тушунтириш, кўниктириш сингари аниқ йўналишга, мазмунга, характерга эга бўлган механизмлари ижтимоий табиатини очиб бериш ҳамда улардан аниқ шарт-шароитлардан келиб чиққан холда фойдаланиш усул ва услубларини янада ривожлантириш керак.

Жамият маънавий-ахлоқий муҳитининг мазмун-моҳияти, муаммолари ва концептуал ечимларини комплекс тадқиқ этиш, улардан миллий-маънавий тараққиётда самарали фойдаланиш назарий-амалий аҳамиятга эга. Яъни:

– жамият маънавий-ахлоқий муҳитини ахлоқий қонуният ва тамойилларини илмий асосда ўрганиш ва унинг муаммоларини ечиш;

– жамият маънавий-ахлоқий муҳитининг конструктив томонларини юксалтириш, замонавий миллий тараққиётнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда маънавий-ахлоқий жиҳатларини изчиллик билан ижтимоий, ахлоқий таҳлил этиш;

– маънавий-ахлоқий муҳитда инсонларнинг ўзаро маънавий ҳамкорлигини кучайтириш, шахсда ахлоқ кўникмаларини ҳосил қилиш, уни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, иродасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, ҳақиқатгўй ва инсонпарвар қилиб вояга етказиш;

– жамиятда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни ривожлантириш ва мунтазам равишда такомиллаштириш ҳамда узлуксиз таълим жараёнига татбиқ этиш, чинакам маънавий-ахлоқий муҳитга мос миллий, ижтимоий-ахлоқий ғояларни халқимиз, шу жумладан, ёшлар онги ва қалбига чуқур сингдириш;

– ахлоқий меросга ворислик механизмларини кучайтириш, имон бутлигига эришишга доир амалий тадбирларни ишлаб чиқиш;

– Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик жамият ва у асосланаётган омиллар тизими нисбатан янгилиги, муайян тажрибаларга бойлиги ва позитив хусусиятларни мужассам этиши билан диққатга сазовор. Шу сабабли 130 дан ортиқ миллат ва элатга мансуб Ўзбекистон халқи аҳил, иноқ ва тотув яшаб келмоқда. Бу ҳол ҳозирги мавжуд маънавий-ахлоқий муҳит индикаторларини ривожлантириб боришни тақозо этади.

“Индикатор” атамаси лотинча “indico” сўзидан олинган бўлиб, “кўрсатаман”, “аниқлайман” деган

маъноларни англатади, атама сифатидаги маъноси бирор жараённинг боришини ёки кузатилаётган объектнинг холатини инсон идрок эта оладиган кулай шаклда акс эттириш демакдир [Миллий энциклопедия-4, 2002, 153]

Шу маънода маънавий-ахлоқий муҳит индикатори деганда аниқ давр ва вазиятда инсон ва жамият ҳаётини ривожлантириб борувчи асосий омиллар, мезонлар ва йўналишлар назарда тутилади. Масалан, омилларга шароитлар, тизимлар ва воситаларни; мезонларга энг муҳим ғоялар, фазилатлар ва талабларни; йўналтиришларга эса даъват, тарғибот ва баҳолашни киритиш мумкин.

Индикаторлар муайян жамиятнинг ижтимоий мақсад-муддаолари, қиёфаси ва харакат, интилишларини меъёрлаштириб борувчи воситалар мажмуи ҳисобланиб, Ўзбекистонда барпо этилаётган фуқаролик жамиятида ўзига хос шароит мавжуд. Унинг энг асосий жиҳатларини Конституцияга асосан қуйидагича кўрсатиш мумкин:

1) инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларининг устуворлиги;

2) инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этилаётганлиги;

3) халқ ҳокимиятчилигининг ўрнатилганлиги;

4) давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятига бўлинганлиги;

5) мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги таъминланганлиги ва бошқалар [Ўзбекистон конституцияси, 2019].

Бундай шароит демократик жамиятнинг талаблари, таомиллари ва меъёрларига тўлиқ мос келади [Роберт, 2000]. Бу эса миллий ғоя ягона мақсад-муддаога йўналтирувчи куч эканлиги ва у фикрлар хилма-хиллигига асосдир. Бу асосни эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

Маънавий-ахлоқий тушунча икки маъно бирикувидан иборат: 1) инсон ва жамиятнинг онги ва дунёқараши; 2) инсон ва жамиятнинг хулқ-атвор ва одоб даражаси [Маънавият луғати, 2009, 33]. Шу маънода маънавий-ахлоқий индикаторлар тушунчаси жамият (инсон) онги, дунёқараши ва хулқ-атворига асосий мезонларни ифодалайди. Демак, Ўзбекистоннинг ҳозирги шароитида барқарор муҳит; етук маънавият; самарали фаолият асосий маънавий-ахлоқий индикаторлар ҳисобланади.

Кузатишлар ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, жамиятимизда муҳит, маънавият ва фаолият бирламчи индикаторлар ҳисобланади. Унга кўра, муҳитнинг оила, ўқиш, меҳнат жойи ва маҳалла кўринишларида (шаклларида) демократиянинг эркинлик, ошкоралик, тушунувчанлик, индивидуаллик, жамоавийлик, бирлик каби қадриятлари амалий шаклланди. Натижада жамиятда барқарор кўрсаткичга эга ижтимоий муҳит сақланди.

Америкалик олим ва жамоат арбоби Майк Мези жамият муҳитининг барқарорлигини қуйидаги кўрсаткичлар билан аниқлайди:

а) вайронколар инқилобий руҳнинг мавжуд эмаслиги;

б) ички зўравонлик омилининг йўқлиги;

в) Конституцияга ҳуда-беҳуда ўзгартиришлар киритилавермаслиги;


г) тузумга нисбатан кескин қаршиликнинг йўқлиги;

д) институтционал тузилиш ва ҳукуматда барқарорликнинг мавжуд эмаслиги [Мези, 1994, 23].

Бу мезонлар асосида жамиятимиз маънавий-ахлоқий муҳитига ёндашиладиган бўлса, ижобий ҳодисага дуч келинади. Етук маънавият Ўзбекистон демократик жамиятининг иккинчи муҳим маънавий-ахлоқий индикаторидир. Бу индикаторнинг яшовчанлигига миллий ғоя асос бўлмоқда. Унинг асосий таркибини чуқур билимдонлик, соғлом дунёқараш, эзгу фазилатлик, етук мутахассислик ташкил қилади. Айнан шахснинг билимли, дунёқарашли, фазилатли ва касб-ҳунарли бўлишга интилиши жамиятда етук маънавийликнинг сақланишига асос бўлиб, тинчликсеварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик каби сифатлар устувор даражада сақланиб қолмоқда.

Самарали фаолият бугун жамиятимизда пухта ва аниқ касбни эгаллаш, ўз меҳнати эвазига ҳаёт кечириш, мулкдор бўлиш ва фаолиятда ижтимоий адолат, виждон, диёнат, мажбурият, бурч каби меъёр-тамойилларга амал қилишдир. Бунда машҳур “Эзгуликни қадрла”, “Ўғирлама”, “Инсонийликни унутма” каби қоидалар малакаси хосил бўлади. [Андерсон & Шихеров, 1994, 14].

Шундай қилиб, жамиятимиз маънавий-ахлоқий муҳитида ўзига хос индикаторлар мавжуд, бу масалага доир таҳлилларни схемада қуйидагича тасвирлаш мумкин.



Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик жамиятда маънавий-ахлоқий муҳит икки муҳим омил мулоқоти воситасида такомиллашиб бормоқда. Биринчиси – шарққа хос бўлган анъанавийлик ва маънавий-ахлоқийлик омили, иккинчиси – ғарбга мос бўлган замонавийлик ва ижтимоийлик омилидир. Айнан мана шу анъанавийлик ва маънавий-ахлоқийлик, замонавийлик ва ижтимоийлик парадигмаси маънавий-ахлоқий индикаторларини амалиётга татбиқ этиш хусусиятларини белгилайди.

Мўлжаллаш идеал масала ҳисобланади. Негаки демократик шароит эркинлик ва индивидуализмнинг устувор бўлишини хуш кўради [Аристотель, 1997, 137-141]. Лекин ҳар қандай жамият яшовчанлиги ва тадрижий ривожини таъминлаш учун эркинлик, индивидуализм каби тамойилларга нисбатан ўз талаблари, меъёрлари ва қоидаларини қўяди [Токвиль, 2000, 162-163]. Шу сабабли ҳар қандай жамият аъзоларининг нисбатан кўпчилиги маънавий-ахлоқий жиҳатдан етуклашса қониқарли ҳисобланади [Қаҳҳорова, 2007, 31]. Зеро, Ўзбекистонда маънавий-ахлоқий муҳит индикаторларини амалиётга мақсадли татбиқ этиш қуйидаги заруриятлар билан белгиланади:

– мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 61 фоиз қисмини ёшлар ташкил қилади;

– жамиятда анъанавийлик ва замонавийлик, маънавий-ахлоқийлик ва ижтимоийлик уйғун таркиб топиши керак;

– ташқи ва ички маънавий тажовузлар бартараф этилиб бориши зарур;

– жамият миллий ғоя асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан тараққий эттирилиб борилиши лозим.

Бу заруриятлар жамиятимиз маънавий-ахлоқий муҳитида тенглик, эркинлик, индивидуаллик каби тамойил ва қадриятларнинг меъёрли таркиб топишини тақозо этади. Нега? Чунки мутлақ тенглик, мутлақ эркинлик, меъёрсиз индивидуаллик, қатъий анъанавийлик ва тартибсиз замонавийликнинг бўлиши шубҳалидир [Қаҳҳорова, 2007, 70-76].

Маънавий-ахлоқий муҳитнинг асосий индикаторларини амалиётга татбиқ этиш ишлари қуйидагича амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Муҳит таркиби	**Асосий индикаторлар**	**Сақланиши ва ривожланиши керак.**
Оила	тарбия	– болани жисмоний, ақлий ва маънавий тарбиялаш; – болани мулоқотга тайёрлаш.
МТМ	Таълим ва тарбия	– боланинг билим олиш, саводхонлик ва хисоблаш туйғусини шакллантириш
Ўқиш жойлари	Таълим-тарбия, шакллантириш, ривожлантириш ва коррепциялаш	– билим бериш; – дунёқарашни шакллантириш; – хулқ-атворга кўниктириш; – касб-ҳунарга ўргатиш; – фаолиятга одатлантириш; – ҳаётга тайёрлаш.
Меҳнат жойлари	Фаоллаштириш, коррепциялаш ва йўналтириш	–эркин фаолиятга одатлантириш; – индивидуалликни таркиб топтириш; – жамоавийликни ривожлантириш; – самарадорликка йўналтириш.
Маҳалла	Тартиб, интизом ва фаровонлик	– соғлом турмуш тарзини сақлаш; – уюшувчанликни ошириш; – Фаровонликни таъминлаш

Эътибор берилса, Ўзбекистон демократик жамияти шароитида маънавий-ахлоқий муҳит субъектлари бешта: оила, мактабгача таълим муассасаси, ўқиш жойлари (таълим тизими турлари), меҳнат жойлари ва маҳалла. Бу муҳит ўзга демократик жамиятлар муҳитидан тубдан фарқ қилишини эслатиб ўтиш жоиз [Раҳмонов, 2007].

Мазкур жиҳатлар учун асосий, маънавий-ахлоқий индикаторлар ўнта: таълим, тарбия, шакллантириш, ривожлантириш, коррекциялаш, фаоллаштириш, йўналтириш, тартиб, интизом ва фаровонлаштириш. Ушбу беш муҳитда асосий маънавий-ахлоқий индикаторларни амалиётга татбиқ этиш билан жамиятда ўн етти меъёр, сифат, талаб ва таомилларни таркиб топтиришга эришилади.

Таъкидлаш лозимки, жамиятнинг маънавий-ахлоқий муҳити асосий индикаторларини амалиётга татбиқ этиш специфик хусусиятга эга бўлади. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Оила муҳитида маънавий-ахлоқий муҳитнинг барқарор бўлиши; оила аъзоларининг тарбия ишида масъулиятли бўлиши; оилани маънавий, ахлоқий ва ижтимоий тажовузлардан ҳимоя қилиб бориш; оила маданияти ва соғлом турмуш тарзини юксалтириш.

2. Таълим муҳитида асосий маънавий-ахлоқий индикатор таълимдир. Бу муҳитда амалий ишлар самарадорлигини ошириш учун таълим ва тарбия уйғунлигини кучайтириш; шахсни маънавий-ахлоқий жиҳатдан соғлом шакллантириш; шахс онги, дунёқараши ва ахлоқини ёт ғоя, таъсир ва иллатлардан муҳофаза қилиш; шахсни ҳаёт ва фаолиятга тайёрлаш [Фитрат, 2001];

3. Меҳнат жойлари муҳитида асосий маънавий-ахлоқий индикатор ривожлантириш бўлиб,

унда меҳнат жамоасида аҳиллик ва жамоавийликни таъминлаш; жамоа аъзоларини юксак мақсад-муддаолар сари йўналтириб бориш; жамоа аъзоларини мустақиллик, индивидуаллик ва жамоавийликка уйғун амал қилишга одатлантириш; жамоа аъзоларида ижтимоий фаолликни кучайтириш.

4. Маҳалла муҳитида асосий маънавий-ахлоқий индикатор уюштириш. Унга кўра, маҳалланинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан биринчи, якдиллиги ва мўътадиллигини таъминлаши керак. Бунинг учун маҳаллани ижтимоий ва ахлоқий иллатлардан муҳофаза қилиш; оилалар, меҳнат ва ўқиш жамоатларидаги маънавий-ахлоқий муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашиш; соғлом турмуш тарзини муҳофаза қилиш; ижтимоий адолат, эркинлик ва мажбурият таомилларига риоя қилишни таркиб топтириш [Каримов, 2008].

Шундай қилиб, демократик жамият шароитида маънавий-ахлоқий муҳит индикаторларини амалиётга татбиқ этишда шу жамиятнинг эҳтиёжи, мақсад-муддаолари ва реал шароитдан келиб чиқиш бирламчи ҳисобланади [Султонов, 2016].

Ўзбекистон демократик жамияти шароитида маънавий-ахлоқий муҳит индикаторлари бир неча муҳим функцияни бажаради. Бу функцияларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат.

– жамиятда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни сақлаш;

– миллий ва умуминсоний ахлоқий қадриятларни уйғун ривожлантириб бориш;

– жамият аъзоларини юксак мақсад-муддаолар ва бунёдкорлик ишларига йўналтириш;

– жамиятнинг маънавий-ахлоқий даражасини ташхислаш ва баҳолаш.

Бу функциялар реал муҳитда бажарилади ва шу сабабли асосий маънавий-ахлоқий индикаторлар икки хусусиятга эга бўлади: доимийлик ва муддатийлик. Индикаторлар сақланиб бораверса, доимийлик хусусиятига эга бўлади, масалан, тарбиялаш, шакллантириш, коррепциялаш ва ҳ.к, аксинча, индикаторлар реал вазиятга боғлиқ ҳолда намоён бўлса муддатлилик хусусиятини олади, масалан, таълим бериш, тушунтириш, йўналтириш ва ҳ.к. Бунда энг асосий масала керакли индикаторларни ўз вақтида англаб олиш ва ундан оқилона фойдаланишдир. Бу ишда қуйидаги икки йўл мавжуд. Биринчиси, маънавий-ахлоқий муҳитнинг ижобий асосларини ривожлантириш; иккинчиси, маънавий-ахлоқий муҳитга таъсир кўрсатаётган салбий иллатларга қарши курашиш.

Мазкур икки йўл вазиятга қараб қўлланилганида ўз самарасини беради. Масалан, маънавий-ахлоқий муҳитга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатаётган индикаторлар кузатиш йўли билан аниқлашда: шахс ва у мансуб ижтимоий гуруҳ онги, дунёқараши ва ахлоқий хатти-харакатларига диққат қилиш; ижтимоий тоифа ва қатламнинг мақсад-муддао ва интилишларини аниқлаш; касб хусусиятларига кўра одамларнинг маънавий-ахлоқий идеалини аниқлаш мумкин. Кузатишнинг муддатли ва давомли амалга оширилиши кутилган самарани беради. Бу ўзига хос энг оммавий воситалардан биридир. Ўрганишда эса қуйидагиларга асосланиш кутилган самарани беради. Масалан, оилалардаги маънавий-ахлоқий ҳолат; ўқиш ва меҳнат жойларидаги маънавий-ахлоқий вазият; маънавий-ахлоқий муҳитга бўлаётган ижобий ва салбий таъсирлар аниқланади ва уларни ривожлантириб бориш йўллари ишлаб чиқилади.

Ўрганиш ижтимоий сўровнома ўтказиш, суҳбат ва учрашувлар уюштириш, ОАВ материалларини таҳлил қилиш, махсус тадқиқот олиб бориш усулида амалга оширилиши мумкин.

Таҳлил маънавий-ахлоқий муҳит индикаторлари ўқиш ёки меҳнат шароити, турмуш тарзи имкониятлари ва одамлар фаолияти масалаларини аниқлайди ва мавжуд реал шароит ва имкониятлардан фойдаланиш даражаси, умумий маънавий-ахлоқий савия кўрсаткичлари, одамларнинг ҳаётга, жамиятга, бугунги ва эртанги кунга муносабати, идеал мақсад-муддаолар ва интилишларнинг мавжудлигини аниқлаштиради.

Таҳлил муайян шахс, гуруҳ ёки ташкилот томонидан амалга оширилиши мумкин. Мисол учун, бу борада “Ижтимоий фикр” жамоатчилик марказининг фаолиятини кучайтириш ва марказ томонидан тўпланаётган материаллардан унумли фойдаланиш зарурият бўлиб турибди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Аликулов Х. (2006). Гуманистик мерос ва шахс маънавий камолоти. - Тошкент: «Фалсафа ва ҳуқуқ”.
2. Андерсон Р., Шихеров П. (1994). “Акулы” и “Дельфины”. – Москва: Дело ЛТД.
3. Аристотель. (1997). Политика. Афинская полития. –Москва: “Мысль”.
4. Каримов И. (2001). Маънавият, фалсафа ва ҳаёт.-Тошкент: «Фан».
5. Каримов И. (2010). Иймон ва маслак тарихи. Тошкент: “Шарқ”.
6. Қаххорова М. (2007). Маънавий идеал. – Тошкент: “Маънавият”.
7. Қуронов М. // https://t.me/bayonoff. (4 ноябрь 2019 йил).
8. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. (2009). Тузувчи ва масъул мухаррир Қ.Назаров. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ.

9. Мези М. (1994). Конгресс в системе Президентской власти США. Разделенная демократия. Сборник статей. Под обшей редакцей проф. Дж. Гарбул. – Москва: “Прогресс”.
10. Отамуратов С., Султонов А. (2019). Демократия: сиёсий ва фуқаролик институтлари фаолиятидаги замонавий жараёнлар. // Фуқаролик жамияти. Гражданское общество. Civil Society. 2019. – Volume 16. Issue 3 (59). – Ташкент, Государственное унитарное предприятие “Fuqarolik Jamiyati”.
11. Разделенная демократия. (1994). Сборник статей. – Москва: “Прогресс”.
12. Разин А.В. (2003). Этика. - Москва: Академический проект.
13. Раҳмонов А. (2007). Гражданское общество: достожения, проблемы, перспективы. – Тошкент: «Akademiya».
14. Роберт Д.Т. (2000). О демократии. – Москва: “Прогресс”.
15. Султонов А. Ф. (2016). Давлат ҳокимиятида демократик бошқарув маданиятининг ривожланиш жараёнлари. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ. – 264 б.
16. Токвиль А. (2000). Демократия в Америке. – Москва: “Весъ мир”.
17. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. (2002). 4-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ.
18. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. (2019). – Тошкент: “Ўзбекистон”.
19. Фитрат А. (2001). Нажот йўли. Тошкент: “Шарқ”.
20. Фитрат А. (2001). Оила. - Тошкент: “Шарқ”.
21. Шайхова Х.А. (2006). Маънавият ва ёшлар камолоти. – Тошкент: “Академия”.
22. Этическая мысль. (1990). Сборник. - Москва: ИПЛ.